



МУСТАҚИЛЛИК СИЗГА НИМА БЕРДИ? СИЗ МУСТАҚИЛЛИККА НИМА БЕРДИНГИЗ?

Истиқлол анкетаси

1. Мустақиллик менга ўзни танимоқчи, ўз кадрига етмоқчи, топталган гурурни қайта юксалтирмоқ имконини берди. Бугун гуруримиз, ифтихоримиз бўлган миллий курашнинг жаҳон ура кенг кулоч ёётганини кўриб, курашимизнинг ота-боболаримиз оруз қилган, аммо кўриши армон бўлган мислсиз шуқратининг гувоҳи бўла туриб, кўнглимдан шу ўйлар ўтди. Яратганга берган истиқлоли учун шуқрлар айтаман. Истиқлолимиз ташаббускори ва химоячиси, истиқболимиз тақдирига жиддий эътибор бераётган, керак бўлса шу йўлда жонини қурбон қилишга чоғланган мард ва жасур йўлбошимизнинг борлиги бизнинг бахтимиздир. Мустақилликнинг менга берган олий неъматини — гуруримизнинг осмон қадар юксакларга кўтарилганида.

2. Назаримда, мустақилликка берганларимдан бермаганларим кўпроқ. Негаки, ҳаёт ҳаракатдан иборат. Истиқлолга туҳфа этишга арзирли ишларни бажариш — доимий орузим. Булар ҳақида гапиришга ҳали эрта деб ўйлайман.

Комилжон ЮСУПОВ, Халқаро "Кураш" ассоциацияси Президенти

1. Бу ҳақда сўз кетганда, биринчи бўлиб, Ўзбекистон Баддий академияси ташкил этилиши ҳақида сўз юритиш лозим. Бу тарихий воқеа Ўзбекистон расомлари ҳаётида энг катта мустақиллик инъомидир, десак янглишмаймиз. Маълумки, ижод эркинликдан туғилади. Мустақиллик бизга ана шу улғун неъмат — эркинликни берди. Унутилган аёнана ва қадриятларнинг қайта тикланиши, ўзликни англаш менинг ижодимга ҳам янги мавзу, ранглар, изланишлар олами билан кириб келди. Истиқлолнинг дастлабки кўнралидаёқ "Истиқлол", "Янги кун", "Озод Ватан", "Хур кўнлар соғинчи" деб номланган картиналаримни яратдим. Мустақиллик ўз асарларимиз билан хоржий кўргазмаларда катнашиш имкониятини ҳам бердики, бу ҳақда турғунлик йилларида оруз қилиш қийин эди.

Расомлар учун яратилган шарт-шароитлар, тасвирий санъатнинг омма орасида янада кенгрок ёйилиши учун берилаётган имкониятлар — буларнинг ҳаммаси мустақиллик туфайли амалга ошадиган эзгуликлардир.

2. Жаннатмақон Ўзбекистоннинг бир ижодкор фарзанди сифатида мустақилликни чин дилдан ардоқлаб, уни мустақиллаш, кўз қорачиғидек асрашга қадр-қиммати нақадар беқис эканлигини ҳис этиб, ўз асарларим — онгли фарғиятим давомида ҳисса қўишни ўзимнинг бурчим деб биларман.

Ижодкор ўз асари орқали жамиятга, тузумга хизмат қилади. Менинг мустақилликка бағишланган асарларим одамларни Ватанини севишга, юрт учун хизмат қилишга чақира олса, бу менинг мустақилликка берган жавобимдир. Хоржиқда намойиш этиладиган кўргазмалар орқали биз Ўзбекистонни танитишга хизмат қиламиз. Дунёда ўзбек деган мард ва танти халқ борлигини, Ўзбекистон деган беқис юрт борлигини жаҳонга танитиш бизнинг ҳам вазифамиздир. Мен бу вазифанинг оами-қўли удрасидан чиқишга ҳаракат қилаётган бўлсам, демак фарзандлик, ижодкорлик бурчимни бажарган ҳисобланаман. Эеро, шундай юрт жамолини бетакрор ранглар билан қуйлаш, озод Ватанини асраб-авайлаш, севиш энг юксак бахтдир.

Ортиқали ҚОЗОҚОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Баддий академияси олтин медали соҳибини

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

8 йил ўйлари

Бу сўзлар ва бу жумла кўпчиликка ёд бўлиб кетди. Айниқса ижодкорлар тилидан тушмай қолди. Қарияларимизнинг дуосидан жой олди. Ким учун нима улғу? Кимлар учун нима азиз?

Таъбир жоиз бўлса, мазкур саволлар жавоби бугунги замондошимизнинг номи аълолини белгилапти, маънавиятининг кўзгусига айланмоқда. Республикаимиз ижодкорлари орасида худди шу номда, яъни, "Энг улғу, энг азиз" танлови бу йил иккинчи марта эълон қилинди.

Журналистлар, ёзувчилар, расомлар, меъморлар, хунармандлар... қўллаб аҳли ижод ватандошларимиз танловда иштирок этиш ниятида ўз ижод маҳсулларини ҳайъат ихтиёрига жўнатишмоқда.

Мана, қўлимизга кеча бир кунда келиб тушган хат халқларини очиб, уларга бирма-бир кўз югуртираман.

Марҳамат туманида чиқадиган "Оқ олтин" газетасида журналист М.Жонузоқовнинг "Жаҳолат қарши маънавиятни юксалтирайлик" деб номланган мақоласи эълон қилинган. "Дуненинг аввалдаги икки кўпчиликка барҳам берилиши билан кураш заминимизда "совуқ уруш" ҳавфига чек қўйилган бўлса-да, унинг ўрнига халқро нарқобизнес, уюшган жиноatchилик, диний ақидонарарстлик оқимлари пайдо бўлди. - деб

ёзади муаллиф. - Улар қуролроғ контрабандачилиги билан мўмай даромад орттиришганидек, жиноatchорона йўллар билан халқлар ва давлатлар осийшалигига ҳавф солмоқдалар. Бехуда қон тўкилишига сабаб бўлаётганлар. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан виждон эркинлиги ва диний ташкилотларга кенг фаолият майдони очиб берилишидан ўз гараз мақсадлари йўлида фойдаланаётган ички нобақорлар ҳокимиятни қўлга олишга уриниб, "халифалик жиход"ларни келтириб чиқармоқдалар. Февраль воқеаси кунларида Президентимиз жонига таъжовуз қилингани ҳам ана шунинг оқибатида келиб чиқди. Яхшиям, халқимизнинг худго айтгани бор экан, йўлбошимизнинг жони соғ-омон қолди".

Оддий ва самимий сўзлар замиридаги маънога эътибор беринг: мамлакатимиз йўлбошимизнинг соғ-омонлиги халқимизнинг бахти, осийшалиги ва иқболли эканлиги назарда тутилмоқда!..

Шу эмасми, биз учун ҳам улғу, ҳам азиз неъмат?! "Бухоро тўқимачиси" газетасининг жамоатчи муҳбири Саъдий Қурбонов "Бухоро-төкс" хиссадорлик жамиятига қарашли сикхатгоҳ шифокори Раъно Раҳматованинг ўз касбининг жонқуяри эканлиги ҳақида тўқинлашиб ёзади. Демак, мустақил ватан фуқароларининг соғлигини сақлаш йўлида жон қуйдираётган юртдошларимиз ҳам улғу

ва азиздир! "Бухарские известия" газетасининг бўлим муҳаррири Дмитрий Власов асосан ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, халқ хўжалиги мавзуларида қалам тебратди. Тараққиётимизга тўғанок бўлаётган иллат ва камчиликларни рақамлар ва далиллар асосида таҳлил қилади. Мисол учун "Внимание - автопилоты" деб номланган мақоласида Бухоро вилоятида давлатга қарашли ва хусусий йўловчи ташиш автоуловлари томонидан тушаётган солиқлар ўртасидаги "гаройиб" тафовутлар жуда таҳлил қилинади, тегишли хулоса асалади. Ният эса ҳолис - қонуний ишлаш, ҳалол топиш, шахс ва давлат манфаатини тенг кўриш ҳаммадан улғу, ҳаммадан азиз!..

Бир сўз билан айтганда, танловга яқун ясаладиган кўнлар ҳам қинлашмоқда. Танлов ҳайъатига ишлар келиб тушмоқда. Мухими, оммавий ахборот воситалари саҳифаларида **Энг улғу, энг азиз** туйғулар, мулоҳазалар изхори оммавий тус олмоқда.

Истиқлол ато этган бу буюк ва муқаддас неъматдан баҳрамандлигимиз боқий бўлсин!..

Хуриқда ДҲСТМУҲАММАД, Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшма бошқаруви раиси



— Илоё, истиқлолимиз абадий бўлсин!

МАВЖЛИ ДАРЁ ҚЎШИҒИ

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тийлаш ва ўстириш жараёнида гоним муҳим рол ўйнаётган. Кейинчалик...

Раъно ЗАРИПОВА

битикларнинг изоҳини ёшларга етказиш лозим. Бирок, қандай қилиб? Тўрт йил муқаддам "Мозий-дан ёғдулар" курсатида тай...

Хабар

Бўлғуси учинчи минг йиллик арафасида янги аср ворисларини маънавий баркамол, жисмонан соғлом қилиб воёга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шу муносабат билан ўтган ҳафтада "Эко-сан" Халқаро жамғармаси экология ва саломатлик кўнлари доирасида...

Юсуфжон Шодиметов Сурхондарё вилоятида бор-йўғи 2 та сузиш ҳарзаси борлигини афсус билан гапирган бўлса, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло "Кўкча" бозори атрофидаги аҳоли ахлатни чиқинди яшиқлари қолиб, ариқ бўйларига тўқинаётганини ва ҳатто чиқинди солиғини-да тўлашмаслигини ачиниб гапирди. Учрашувда аҳоли ўртасида, айниқса ўшлар орасида умминсоний ва миллий қалъа-қотарич тиклаш ҳамда бир дунё мухлислар орттириши, бор эзгу тилақларимизни тилаймиз.

шувлар ўтказиб ўзларининг бегараз ёрдамларини берадиган бўлдилар. Шунингдек, жамоatchилик ташкилотлари билан омма орасидаги алоқани мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллаларда турли учрашувлар ўтказиш ва уларга инсонпарварлик ёрдамлари ташкил қилиш мақсадида қўшма қарор ва дастур лойиҳаси қабул қилинди. Айниқса, учрашув сўнгида "Сурхондаржафаром" Ўзбекистон - Хиндистон қўшма қорхона...

чун, меценатликни тарғиб қилиш. Ушбу атаманинг "ҳомийлик, саховат" маъноларини беради. Кўнча Шарқда эса айнан саховатпеша ҳомийлар туфайли адабиёт-санъат гуллаб-яшнаган, маънавий юксалган. Биргина Хусайн Байқоронинг Навоийга ҳомийлигини эсланг. Ҳудуд ҳазрат Навоий бир вилоят аҳли солиғини тўлаб юборганлиги ҳақидаги афсонавий нақлларни ёдга олинг. Ҳ бўлмаса яқин кечмишимизда ўтган саховатпеша Миркомилбойни унутмагандирсиз.

Шукри, истиқлол туфайли шуру даврининг ажабтовур ақидалари барҳам топди. Хусусан, ҳамма ҳар жиҳатдан - истиқлол ҳам, даромад ҳам, яшаш шароитлари ҳам ва ҳаттоки, фикрлари ҳам тенг бўлиши шарт деган мафқуравий сиебат емирилди. Биз босқичма-босқич...

Ухлаётган одам "уйғоқман" демайди

тйтиш йўқ. "Ахборотнома"ни сотиб олиш, нухса кўчиртириш билан неча кўнларни ўтди. Устига устак, тайёр жавоб "калит"и ҳам сотиларкан. Унданам сотовлиб, "газини бос", деганча ёдлашга "уриб" кетишди.

Ш.АКРАМОВ фотоси

"ЭЪЗОЗЛИСАН, АЁЛ!" 4-бетда

Д.ОРИПОВ

ИМТИҲОНДАН БИЛГАН ҲАҚИ

ҚОЙЛИ!

Яқшанба — 1 август кунини тест синовлари бўлиб ўтди. Ун минглаб абитуриент йигит-қизлар имтиҳонга кирди. Не-не гердайдган гавдалар, турли-туман қиёфалар, ҳаяжондан ҳалқирган юраклар... "шарғалка"ларга тўла чўнтақлар кирмади, дейсиз...

серрайиб қолишди. Баъзи абитуриентларнинг айтишларича, бирорта ҳам савол айнан "Ахборотнома"дагидек тушмабди... Хуллас, Давлат тест маркази чоп этаётган "Ахборотнома"лариниға ўқиш билан чекланиш, кимлардир томонидан ечилган жавобларни ёдлаш, шарғалкака йиғиш билан мақсадга эришиб бўлмаслигини кўрдик.

Майли, ҳар не бўлган тақдирда ҳам синовдан ўта олганларни қўтайимиз, омад кулиб боқмаганларга эса умидсизланмасликни тилаб қоламиз.

ЖУМБОҚ

ИСМОИЛШОХ ФАЗОВИЙ

Исмоилжон акани топишимиз бироз мушкул бўлди. Саббабики бизга берилган манзил бироз нотўғри экан. Сўраб-сўраб Маккани топишдан деганларидек, суриштириб-суриштириб, биз ҳам қаҳрамонимиз яшайдиган манзилни топдик. Афсуски, Исмоилжон ака уйларида йўқ экан. Бироз қўтишга тўғри келди... Қаҳрамонимизнинг ўзи ҳам, уйи ҳам, оиласи ҳам оддийгина, бировдан ортиқ, бировдан ҳам дегандай. Келганимизда ўзи йўқлигиндан бизга хижолат чеккан бўлиб, у

осмонга олиб чиқиб кетишди. Аввалига самога чиқдик. Бора-бора Ер узоклашиб, юмалок тус элди, тобора кичрайиб бориб, охири кўркамнидан дод солдим. "Ерга туширинглар", дедим яқиниб, "Сени қайтарсан, биз билан мулоқот қилмай қўясан", дейишди. "Кимсизлар?" деб сўраган эдим, "Биз осмон ходимлари, Худонинг одамларимиз" деб жавоб қайтардишди. "Йўқ, ҳозир тушириб қўясанлар, кейин бизлар билан мулоқот қилишимиздан кейин мени Ерга қайтаринглар. Шундан сўнг уйғоқиб кетдим. Анча вақт тарабгансиз турдим. Уш пайтда тонг ёришиб қолган экан. Бу

САМОВИЙ КИТОБ?

ёхуд асақаллик Исмоилшоҳ Фазовийга тушаётган "Ваҳий"лар

биринчи белги эди... Иккинчи белги сиз кейинроқ содир бўлган. Урта бўйли, оппоқ соқоли киши келиб, Исмоилжон акани олиб кетди. Одамлар гавжум бўлган бир жойга боришди. Оппоқ соқоли, оқ кийган кишилар қатор-қатор саф тортиб туришарди. Олиб берган мўйсифид Исмоилжон акани охири қаторга қўяди-да, ўзи ўртақордаги сафга бориб турди. Кейинчалик бу одамнинг қимлигини само ходимлари маълум қилишди. Улар — Фавсулаъзаб — Сайид Мухиддин Абдулқодир Жилиний экан.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Исмоилжон ака бўлиб ўтадиган воқеа-ҳодисаларни аввалдан айтадиган "қилиқ" чиқарди. Воқеалар унинг кўз олдидан худди кино лентасидек ўтаверарди. Аммо бунинг орқасидан у кўп дашонмолар, ҳақоратлар эшитган. Шунинг учун ҳозир "қалажакдан башорат" қилмай қўяди.

Давоми 3-бетда

Баҳс

Хозирги ёшларга тур-
ғунилик йилларининг, кечаги
ўтмишнинг фожияларини ту-
шунтириш, аниқлаш бироқ
қийин кечмоқда. Кечаги кун-
нинг сабабларидан тўри ху-
лосалар чиқариб олиш зар-
ур. Яқин ўтмишнинг аниқ
сабабларидан бири -
олий ўқув юртига кириш
имтиҳонларининг суҳбат ва
эзма усулда олиниши эди.
Чунки бунақа пайтларда,
турисини айтиш керак, мах-
сув рўйхатлар бўлар эди.
Минг доно бўлсангиз ҳам "ар-
боб урар ҳар боб" билан
қабилда баҳонингизни тўғри-
лаб қўйишар эди.

ХОЛИСЛИК ЗАРУР

Тест имтиҳони: мулоҳаза давом этади

Агар бу портрет кимники
дейилса, савол мураккабла-
шар эди. Ушбу тезда қуйи-
даги фазилатларни кўрамиз:
а) муаллифнинг портрет яра-
тиш маҳорати; б) бадийий
матннинг тушунарли ва ра-
вонлиги; в) Султон Аҳмад
Мирзога (тарихий шахсга)
қисқа, тўғри ва холис маълу-
мот бериш қобилияти. Қолавер-
са, бу шахс Бобур ҳаётида
катта рол ўйнаган. Олдиий
одам эмас. Бобур 12 ёшида,
ҳали болалик шуклиқларидан
узоклашмай туриб, бирдан
жанг муҳораба, юрт тақдирини
билан олма-ола келганда ана
шу бўлғуси қайночаси билан
тўқнаш келган. Тақдирининг
уйинини қарангки, Бобур 5
ёшида Султон Аҳмад Мирзо-
нинг тўғрида қатнашиб, урф-
таомилга кўра келиннинг ози-
ни очган. Кейин эса, унинг
икки қизига бирин-кетин уй-
лаш ва ҳаётинг мураккаб
ийлари... Хуллас, бир парча
матн ортда Бобур ҳаётида
катта маънавий туған шахс
ҳақида маълумот берилапти.

Хозир мамлакатимизда
кент кўчалари ислохотлар
кечати. Унда ҳар кимнинг ҳам
ўз ўрни ва ҳиссаси бўлиши
керак. Тестларни танқид
қилувчиларга мен "ўзингиз
тегиш тўғри кўрганми, амал-
да синаб кўрганми, кўчи-
ликка маъқул қила олганми-
сиз?" - деган бўлардим.

Хозир мамлакатимизда
кент кўчалари ислохотлар
кечати. Унда ҳар кимнинг ҳам
ўз ўрни ва ҳиссаси бўлиши
керак. Тестларни танқид
қилувчиларга мен "ўзингиз
тегиш тўғри кўрганми, амал-
да синаб кўрганми, кўчи-
ликка маъқул қила олганми-
сиз?" - деган бўлардим.

КИМСИЗ ҲАМ, БИРОДАР?

Хужжатларини кўрсат.
Мен яна уэр сўрадим.
- Мен сендан, - деди у
қўзлари кинидан чиқиб кета-
ёган ҳолда, - ҳужжатларини
сўрайман, бермасанг,
ҳозир сени милицияга олиб
бориб қаматаман.
- Сиз кимсиз ўзи, биро-
дар, таништиринг, - дедим
менинг ҳам аниқим чиқиб.
- Меними? - деди у андек
мағрур ҳолда. - Мен шаҳар
жиноят қилдирув бўлимидан-
ман!
- Жуда соз, хурсандман, -
дедим. Сўнг мен ҳам ўзимни
таништирдим. У гувоҳнома-
ни кўлига олиб, узоқ ўқиди.
- Юр, мен билан... Сен,
биласанми, кимсан? Сен,
сени... сени мен ҳозир...
машинага 20 грамм наша
солиб қўяман-да қаматиб
йубораман, билдингми?
- Бу гапларни эшитиб, бир
зум турган ерида қотиб қол-
дим.
Кейин... роса айтишдик.
Охири мен унга:
- Ука, мендан роса 20 ёш

Худиса
Шу йилнинг 16 июнь, чор-
шанба кунини тушдан кейин
Исроил ака деган таншиш таш-
вишли оҳангда уйимга сиз
қокди:
- Ука, вақтингиз бўлса, тез-
роқ бизни келиб келинг,
маслаҳатли бир гап бор.
Тўртта милиция ходими кели-
ди, ўлимни олиб кетиши-
ди, - деди...
Шошиб йўлга тушдим.
Халқа йўлда бораётиб,
Тошкент вилояти автомобил
назорати идорасига етганим-
да, бир энгил автомашини
қўлиб ўтди-ю машинани олди-
га қўнганлар туриб, йўлимни
тўсди. Сўнг машинадан туш-
ган йигит галати қиёфада, ва-
жодат билан менга дўқ ура
бошлади:
- Хой, менга қара, нега йўл
бермайсан?
- Уэр, биродар, сезмай
қолибман, - дедим айбимга
икрор бўлиб.

“ЭНДИ ОТАМ ҲАМ ЙЎҚ!”

“у онамни ўлдирган кунни қўшилиб ўлган эди”
Панжара
Бу кишининг мулоийи
муомаласи, билганлар хавас
килгудек феъл-атвори бор
эди. Ҳамма қатори оиласи -
ўқитувчи хотини, фарзандла-
ри бор. Фақат тўғриги - қизи
ноғирон, туғилганидан буюн
юрюлмасди. Онанинг ҳам,
отанинг ҳам орзуси - шу
қизини саломат қилиш, бах-
тли кунларда бошида ту-
риш. Бирок...
Мунира аравачасининг
ғилдирағини уйнаганча
ховли етагида - даровзанинг
шундай бикинида ўтирарди.
Зеркиди, Бу зеркишлар
унга бегона эмасди; соатлаб,
қуналар ўтираввергани учун
ўрганиб ҳам кетган. Боягина
ўз тенги - 13-14 яшар қўшин
қизлар билан чаклашиб
ўтиришганди. Кеч тўша бош-
лагани учун улар ҳам "уй-
уйига, қапа-туйига", деганча
тарқалиб кетишди. Биттаси
янги бошмоқ олдирибди.
Бирим чиройли, бирим чир-
ойли.
Она, менгаём бошмоқ
оберинг, - деди қиз ялин-
ганнамо ховли томондан
келарган онасига. - Ана Фе-
руз олдирибди, ушандай-
дан.
Она, мекрибон она, чо-
расиз она. Ноғирон қизининг
жавадирган қўзларига қараб,

ЧУНГУРАК ҚИШЛОҒИ ЎҒАЙ ЭМАС... ЭКАН

Денгиз сатҳидан салкам 2000 метр балангликка сув ва газ чиқара олмаслик шахрисабзлик раҳбарларнинг бефарқлиги эмас

Шикоят изидан

Тахририятимизга шикоят
Келди. Шахрисабзидан узоқ
Чунгурак қишлоғидан. Унда
битилишича, қишлоқ аҳоли-
сининг бугунги аҳоли ачи-
нарли: қишлоқнинг шаҳар билан
боғлайдиган йўл ҳороб,
қишлоққа ичимлик суви ва
табиий газ келтирилмаган,
табиий ва маъиш хизмат
кўрсатиш ташкил этилмаган,
50-йилларда ҳашар йўли билан
қурилган мактаб авария
ҳолатида, жомоа ҳўжалиги то-
монидан деҳқонларга маош
тўланмайди, қишлоқ ҳўжалик
экинларини экиш, чорвачилик
каби соҳаларнинг ривожини ор-
қага кетаяти ва ҳўқозо... Яна
шуниси ҳам маълум бўлдики,
бу қишлоқ шаҳардан 60-70
километр олисликда, тоғлар
борида жойлашган...
Яқинда хизмат сафари билан
ўша томонларда бўлдим.
Мутасаддилар, тегишли раҳ-
барлар, қишлоқ аҳолиси ва
шикоят муаллифлари билан
ўчрашдим. Бир неча киши
бўлиб Чунгурак қишлоғига
чиқдик.

дий машиналар билан бо-
ришнинг имкони йўқ, "Вил-
лис" ё "Нива"га ўшаган уло-
вар билангина чиқса бўлади.
Шунда ҳам родитордаги
суви бир неча бор қайнаб.
Шикоятда келтирилган
ўша авария ҳолатидаги мак-
табнинг бир хонасида йиғи-
лишдик: туман ҳўкимиятидан,
марказий шифохонадан, халқ
таълими бўлиминдан вақиллар,
жомоа ҳўжалиги ва қишлоқ
фўқорлар йиғини раислари,
қишлоқ фаоллари, хуллас, йил-
гирма чоғли одам бор. Ши-
коятни раиснинг айтишича,
икки йил аввал бу қишлоққа
сув чиқариш масаласини
кўтариб, мутахассислар билан
маслаҳатлашган. Ҳўш
пайтдаги ҳисоб-китобларга
қараганда, буни амалга оши-
риш учун 650-700 миллион
сўм (ҳўзини кўнда 1 милли-
ардан ошши турган гап) ке-
таркан. Ғазни қириш учун
етарли босимни ҳосил қилиш,
сал муболага билан айтсак,
дарёни қаппа оқизиш билан
борбор...
Хуллас, шикоятда келти-
рилган муаммолардан фақат
биттаси - авария ҳолатида-
ги мактаб ўз тасдиғини топ-
ди. Мазкур мактабда 280 ат-
рофида ўқувчи йўқиди, 1992
йилда авария ҳолатидаги
мактаблар рўйхатида киритил-
ган. 1994 йили тошқин ту-
файли уч ойга ёпиб ҳўш
қўйилган. Лекин бу мактаб

этибордан четда, дегани
эмас. Негаки, туман ҳўкими-
яти ҳам, халқ таълими бўли-
мидагилар ҳам керакли тад-
бирларни қилишмоқда. Жум-
ладан, ҳўқим хўзурида айнан
шу масала бўйича бир неча
марта йиғилиш ўтказилган.
Ҳўтто янги мактабнинг лойи-
ҳаси чизилди, ўрни текислаб
қўйилган. Баъзи ташкилотлар
ёрдам сифатида унча-мунча
қурилиш материаллари ҳам
беришга тайёр. Бирок қури-
лиш учун маблаг йўқ ва ҳўки-
миятдагиларнинг айтишича,
мактаб келаси йилги бюджет
ҳисобидан қурилиши керак
бўлган объектлар рўйхатида
киритилади... Унчага ё Раз-
зоқ!

Кискас, шунақа гаплар.
Шикоятчидан биз ҳам ран-
жимидик, бошқалар ҳам хофа
бўлишмади. Шу баҳона я-
ҳишдан мулоқот қилинди,
қишлоқ аҳли ҳам раҳбарият
томонидан амалга оширила-
ётган тадбирлардан хабордор,
шикоятда келтирилганидек,
"Чунгурак қишлоғи ўғай"
эмаслиги ҳошид бўлиши.

Шероод САЙДАЛИЕВ,
"Хуррият" муҳбири

ХИЗМАТ КўРСАТИШ "МАДАНИЯТИ"

ёки қирақашларнинг "илтифоти" ҳақида


Аэропортда

Бир танишимни кўтиб
Олиш учун Тошкент аэропорт-
ига қичдим. "Ўзбекистон
хаво йўллари" авиаконстан-
таси Тошкент аэропортини
ҳалқаро андозаларга мос ра-
вишда қайта жиҳозлаш ва таъ-
мирлаш борасида жуда катта
ишларни амалга оширганга
ғувоҳ бўлдим. Бирок, халқаро
йўналишларнинг қичқиш
жўйдда самолёт қўнишини
кўтиб туриб, айрими номуабул
ҳолатларга дуч келасан,
киши...

Аэропортнинг йўловчилар
қичқиш жўйини ўнлаб такси-
боллар қураб олишган, ҳеч
кимга йўл бермай, бақир-ча-
биха қорай киши ҳам шў-
бхага бориши аниқ. Кўтиб
олувчилар эса ақинларини
тўдадан олиб қичқилмай га-
ранг.
Қизик томони шунда эди-
ки, шу яқинда юрган, вази-
фалари жамоат тартибини сақ-
лаш бўлган тармоқ ички иш-
лар бўлими ходимлари бун-
дай "томоша"га умуман бе-
фарқ эди. Яқинларини кўтиб
олиш учун қичқан бир кам-
пирнинг эътирозига улар
эйтибдор беришмади ҳам;

кампирнинг ўзига бироқ ис-
теҳзо билан қаради, ҳолос.
Балки улар бундай машаа-
ларни одатий ҳол санашар,
ёки буни "хизмат кўрсатиш
маданияти", деб билишар? Бу
эса олдиий бир маданиятсиз-
ликдан ўзга нарса эмаслиғини
аниқлашмас. Ватанимиз ту-
роғига қўйган қадамларидан
ноқ бунақа номуносиб ҳолат-
га (маданиятсизликка, дей-
ишдан ўзимни тяман) дуч
келган кишининг мамлакат-
миз ҳақидаги фикрини ўзгар-
тириш қийин кечди.

Нолира АБДУРАҲМОҲОВА



Камолдидин
МИРЗААҲМЕДОВ,
радиожурналист
Келадиган шардан
нурли дум чиқиб
қўшдек ёритиб
турган

ДОРИ ҚИДИРИБ...
ГўШТ ТОПДИМ!

Жумбоқ
Авалли жума кунини
дори қидириб Абдураҳмо-
нов кўчасидаги "Ношир
дори" хўсусий фирмасига
қарашли дорихонага кир-
дим. Мен қидирган "Тазе-
пам" деган дорини топол-
маслиғини эшитиб, "Суп-
растин" ва "Фторокорт"
дориларини сўрадим.
Пештахта ортидаги аёл
"Супрастин"нинг 10 та таб-
леткаси 420 сўм, "Фторо-
корт" эса 840 сўмлигини
айтди. Бироз ҳайрон
бўлиб, бор пулимни бер-
дим. Қайтишда Чорсу ав-
тобуслар бекатидаги до-
рихонага негадир киргим
келди-да, у ердан ўша до-
риларни қайта сўрадим.
"Супрастин"нинг 10 таси
225 сўм, "Фторокорт" эса
500 сўмлигини кўриб ханг-
манг бўлиб қолдим. Дар-

ров орқамга автобусда
тўрт бекат юриб ўша "Но-
шир дори" хўсусий дори-
хонасига кириб эътиро-
зимни юмошққина қилиб
айтдим, пулимни дарҳол
қайтариб беришиди. Яна
қилиб Чорсу бекатидаги
"Хислатлила" хўсусий до-
рихонасидан ўша икки хил
дорини арзонга сотиб ол-
дим. Тежаган пулимга эса
арзон гўшт бозоридан
гўшт олиб уйимга кетдим.
Дори қидирганларга мас-
лаҳатим: ҳеч бир ердан
нархини сўриштирмасдан
дори олманг, маълумотна-
ма берадиган жойдан ҳам
сўраманг, фойдаси йўқ.
Мен ярим кун қидириб,
гўштга пул тежадим. Сиз
кўпроқ қидирсангиз, ажаб-
мас, каттароқ нарсалик
бўлиб қоласиз.

ҲОБҲАМҲИ

Complex advertisement for "DOR-ORO" MCHJ pharmacy. Includes a large illustration of a tree with a person sitting under it, and text describing the pharmacy's services and location. Contact information: Tel: 78-32-90.



